


YANGI O'ZBEKISTON: INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

CONFERENCES.UZ 2023

DAVRIYLI: 2018-2023

DUNYODA BIRINCHI KASHF
ETILGAN ELEKTR CHIROG'



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJY OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR



TOSHKENT SHAHAR, AMIR
TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.



+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00



WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ



IYUN
№53

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИННОВАЦИЯ, ФАН
ВА ТАЪЛИМ
1-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
ИННОВАЦИИ, НАУКА
И ОБРАЗОВАНИЕ
ЧАСТЬ-1**

**NEW UZBEKISTAN:
INNOVATION, SCIENCE
AND EDUCATION
PART-1**

ТОШКЕНТ-2023



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 53-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 32 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегияси-дан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истикболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Рахимов Умиджон Алиевич ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ МАНФААТИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ.	7
2. Хусанов Саидмурод Жўраевич КРЕДИТ СОХАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ АЙРИМ БЎШЛИҚЛАР ҲАҚИДА	9
3. Axmedov Abdulatif Mashrapovich MAJBURIY MEHNATGA QARSHI KURASHISHGA OID QONUNCHILIK IJROSI USTIDAN PROKUROR NAZORATINI TASHKIL ETISHNING MILLIY VA XALQARO HUQUQIY ASOSLARI TAHLILI.....	11
4. Латипов Зафар Хасанович ШАРТЛИ ҲУКМ: АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ТАКЛИФ	17
5. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович БАЪЗИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТРАНСПОРТ ВА ТУРИЗМ ОБЪЕКТЛАРИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ	21
6. Хужаназаров Акмалжон Рахимович МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА КЎРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ АСОСЛАРИ.	23
7. Б.Абдурахимов ИҚТИСОДИЙ СУДДА БИТИМНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	30



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ МАНФААТИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ.

Рахимов Умиджон Алиевич
Денов туманлараро иқтисодий
суди судьяси
тел: (97)-926-05-69

Аннотация: мақолада суд ҳуқуқ соҳасига оид қонунчиликка киритилган охириги ўзгаришлар, уларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг жамият ҳаётида ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: иқтисодий судлар, маъмурий судлар, фуқаролик ишлари бўйича судлар, тааллуқлилиқ, тегишлилиқ, ишларни тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳуқуқ соҳасини янада ривожлантириш, жумладан одил судлов самарадорлигини ошириш, фуқаролар (юридик шахслар)нинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд томонидан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, судлар фаолиятини давлат томонидан моддий таъминлаш сифатини ошириш борасида бир қанча ислохотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони ана шу ислохотларга дастурул амал бўлди десак муболаға бўлмайди. Ушбу Фармонга асосан кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Президентимиз томонидан “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январда қабул қилинган ПФ-60-сонли Фармон мазкур ислохотларнинг мантикий давоми бўлди.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига кўра мамлакатимизда ҳамма нарса аввало инсон кадри учун, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари учун хизмат қилиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Мазкур Фармонга асосан бир қатор Дастурлар қабул қилиниб, унга кўра суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам ислохотлар давом эттирилиши назарда тутилди.

Хусусан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси инсон манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги, адвокатура институтини ролини кучайтириш ва бошқа бир қатор соҳалар бўйича вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланди.

Мазкур Фармон қабул қилингандан сўнг, фармонда белгиланган вазифалар доирасида бир қатор Қонунлар, Президент Фармонлари қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2023 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-833-сонли Қонуни ана шу вазифалардан келиб чиқиб қабул қилинган ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу Қонун суд тизимида “ягона дарча” принципини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъи назар, қабул қилишга ва ваколатли судга юборишга ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал қилишни таъминлаш тизими жорий этилишига, маъмурий суд ишларини юритиш «суднинг фаол иштироки» прин-



ципи асосида амалга оширилишига, оммавий-хукукий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар билан бир қаторда унга сабабий боғланишда бўлган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги талабнинг маъмурий суд томонидан кўрилишига, оммавий-хукукий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафларга келишув битимини тузиш ҳукуқи берилишига, суд ҳужжатлари маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа органлар, шунингдек ташкилотлар томонидан ижро этилмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималари қўлланилишига доир процессуал қоидаларни белгилайди.

Мазкур Қонун билан бир қатор Кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Биз, киритилган ўзгаришлардан бири - суд тизимида жорий этилган “ягона дарча” принципини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъи назар, қабул қилишга ва ваколатли судга юбориш тартиби ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Мазкур ўзгаришларга кўра, эндиликда фуқаролик ишлари бўйича судлар, иқтисодий судлар ва маъмурий судлар фақат низо судга тааллуқли бўлмаган ҳоллардагина даъво аризаси (ариза)ни қабул қилишни рад этади. Учта суддан бирининг судловига тааллуқли бўлган ҳолларда даъво аризаси қабул қилиб, ваколатли судга ажрим асосида ўтказилади.

Даъво аризаси тааллуқлилиқ қоидаларини бузган ҳолда иш юритишга қабул қилинган бўлса, ишни бошқа ваколатли судга ўтказиш ва иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим қабул қилади.

Агар бу ҳолат апелляция ёки кассация судида ишни кўришда аниқланса, суд ҳал қилув қарори бекор қилиб, ишни тааллуқлилиги бўйича ваколатли судга ўтказилади.

Мазкур ўзгаришларнинг асосий аҳамияти шундаки, фуқаролар ва юридик шахслар эндиликда судларда оввора ва сарсон бўлиб юрмайди. Чунки, даъво аризалари судларнинг ўзи томонидан тегишли судга ўтказилади ва манфаатдор тарафлар бу ҳақида хабардор қилинади.

Агар даъво аризасини қабул қилиб олган суд даъво аризасида камчиликлар борлигини аниқласа, уни қайтармайди ва ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда камчиликларни кўрсатган ҳолда уни бартараф этиш ҳақида даъвогар (аризачи)га хабар қилади. Бу ҳам судга мурожаат қилиб келаётган шахслар учун яратилган қулайлик ҳисобланади. Агар белгиланган муддатда камчиликлар бартараф этилмаган тақдирдагина, суд даъво аризасини қайтаради.

Хулоса ўрнида, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир соҳада бўлгани каби суд соҳасидаги бўлаётган ислохотлар ҳам инсон манфаати учун, унинг қадрини юксалтириш учун амалга оширилмода десак, муболаға қилмаган бўламиз. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://constitution.uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2023 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-833-сонли Қонуни [//www.lex.uz](http://www.lex.uz)



КРЕДИТ СОХАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ АЙРИМ БЎШЛИҚЛАР ҲАҚИДА

Хусанов Саидмурод Жўраевич
Денов туманлараро иктисодий
суди судьяси
тел: (97)-999-05-21

Аннотация: мақолада кредит соҳасини тартибга солувчи қонунчиликдаги ашёвий кафил учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари соҳасида қонунчилик бўшлиқлари ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: кредит шартнома, гаров шартномаси, ашёвий кафил, самара, хизмат шартномаси, ипотека шартномаси, ундирувни гаровга қаратиш, ундирувни ипотекага қаратиш

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳуқуқ соҳасини янада ривожлантириш, жумладан одил судлов самарадорлигини ошириш, фуқаролар (юридик шахслар)нинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд томонидан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, судлар фаолиятини давлат томонидан моддий таъминлаш сифатини ошириш борасида бир қанча ислохотлар амалга оширилди.

Жумладан, бош қомусимизга ўзгартириш киритилиб, унда шахснинг мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон қонунчилигининг устивор вазифаларидан бири деб эълон қилинди.

Хусусан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси инсон манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги, адвокатура институтини ролини кучайтириш ва бошқа бир қатор соҳалар бўйича вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланди.

Аммо лекин судлар томонидан кредит соҳасида мулкка оид низоларни кўришда мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонунчиликда айрим бўшлиқлар мавжудлиги аниқланди.

Гаров ва ипотекага оид ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Гаров тўғрисида”ги қонуни, “Ипотека тўғрисида”ги Қонунлари, “Гаров реестри тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Жумладан, кредит соҳасида қонунчиликка кўра кредит учун таъминот сифатида кредит олувчи томонидан гаров тариқасида кўчар ва кўчмас мулклар қўйилиши мумкинлиги қайд этилган.

Шунингдек, ушбу қонунчиликда гаров сифатида кўчар ва кўчмас мулкларни гаров сифатида учинчи шахслар ҳам қўйиши мумкинлиги қайд этилган.

Ваҳоланки, гаров ва ипотека соҳасида қонунчиликда кредит олувчи манфаатдор шахс ва мажбуриятларни ўз зиммасига олувчи ашёвий кафил ўртасида юзага келувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларни тартибга солувчи қонунчилик нормалари бир ёки иккита модда билан чекланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги Қонуни 34-моддаси 10-қисмига кўра Агар учинчи шахс (ашёвий кафил) ипотека билан таъминланган мажбуриятни қарздор учун тўлиқ бажарган бўлса, у гаров хати бўйича ҳуқуқлар ўзига ўтказилишини талаб қилишга ҳақли. Бу ҳолда кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқлари қонунга мувофиқ учинчи шахсга (ашёвий кафилга) ўтади. Ипотекага олувчи бу ҳуқуқларни ўтказишни рад этган тақдирда, учинчи шахс (ашёвий кафил) бу ҳуқуқлар ўзига ўтказилишини суд тартибида талаб қилиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Гаров тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасибиринчи қисмида қарздор томонидан кредитор олдидаги мажбурият бажарилмаган тақдирда, қарздорнинг мажбуриятини таъминлаш учун гаровни тақдим этган учинчи шахс (мулккий кафил) ундирувни гаров нарсасига қаратишдан сақланиш мақсадида бу мажбуриятни гаров нарсасининг қиймати доирасида бажаришга ҳақлидир.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида ундириш гаров нарсасига уни реализация қилиш йўли билан қаратилган тақдирда, мулккий кафил қарздордан унинг қийматини ва қўрилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.



Ваҳоланки қонунчиликда кредит берувчи ва кредит олувчи ўртасида ва кредит берувчи ва ашёвий кафил ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақсимолига жуда батафсил ёритилиб, кредит берувчининг манфаатлари етарлича муҳофаза этилган бўлиб, кредит олувчи ва ашёвий кафилнинг унинг олдида мажбуриятлари етарлича аниқ белгилаб берилган бўлсада, ашёвий кафил учинчи шахснинг манфаатлари умуман ҳимоя қилинмаган.

Шу сабабли ҳам ашёвий кафил ўз мажбуриятларини бажаргандан сўнг, ўз мулкидан маҳрум бўлгани сабабли кредит олувчига етказилган зарарни ундириш бўйича, кредит муносабатлари давомида ўз мулкӣ ҳуқуқларини ҳимояси таъминоти ҳам аниқ белгилаб берилмагани сабабли судга умуман даъво талаби билан чиққан ҳолатлар жуда кам ва уларнинг ўзига етказилган зарарни ундиргани ҳолатлари санокли.

Ваҳоланки, кредит соҳасида низолар судларда ҳозир энг кўп кўрилатган низолар бўлиб, бундай низолар бўйича даъво талаб қиймати судлар томонидан кўрилатган низоларнинг қийматининг деярли ярмисини ташкил этади.

Бу эса ушбу соҳада ҳал ечилмаган муаммолар кўплигидан дарак беради.

Хусусан, кредит олувчиларнинг аксарияти энди иш бошлаган, янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун бино ва иншоотларни қуриш, технология сотиб олиш мақсадида бўлиб, аксариятида гаровга қўйиш учун мулки мавжуд эмас.

Банклар томонидан эса йирик кредитлар бўйича кредит таъминоти турларидан энг кўп талаб этиладигани ашёвий кафиллик ҳисобланади.

Аммо лекин янги ишини бошлаётган тадбиркор учун ҳали энди иш бошламоқчи бўлгани, ҳамкорлар ўртасида ўзининг ишончли ҳамкор сифатида нуфузини ҳали эгаллаб олмагани сабабли ашёвий кафил топиш қийин масалла ҳисобланади.

Зеро, ашёвий кафил бўлиб ўтаётган шахс ҳозирги гаров соҳасида қонунчиликка кўра мажбуриятлари кўп бўлсада, ҳуқуқлари чеклангани сабабли ашёвий кафил бўлиб ўтиш, ҳеч қандай фойда ва самарага эга бўлмасда, ўз мулкларини бошқа шахсларнинг фойда олиши учун хавф-хатарга қўйиш ҳисобланади.

Натижада тадбиркорларнинг кредит олиш соҳасида имкониятлари чекланади, оқибатда товарлар ишлаб чиқариш, экспортни ривожлантириш имкониятлари чекланади, охир оқибатда Ўзбекистоннинг иқтисодиёти секинроқ ривожланади, солиқ солиш базаси қисқариб, солиқ тушуми қисқаради.

Ёхуд кредит олувчилар томонидан ашёвий кафил бўла оладиган учинчи шахсларни гаровга қўйишга қизиқтириш учун қонунчиликда назарда тутилмагани сабабли шартнома тузмасдан, расмийлаштирмасдан маълум бир ҳақ беришни ваъда бериб, ашёвий кафиллик шартномаси тузишга эришиш, бундай шартнома норасмий равишда оғзаки равишда тузилгани сабабли, ўзининг оғзаки олган бажармасдан, алдаш ҳолатлари, тўлаган тақдирда кредит олувчининг бошқа тўлов манбалари йўқлиги сабабли, кредит маблағларини биир қисмини мақсадсиз сарфланишига, ашёвий кафилнинг яширин солиқ солинмайдиган даромад кўришига, яширин иқтисодиётнинг ривожланишига, ёки кредит олувчининг ғаразли мақсадда ашёвий кафилнинг олдида бирор бир қонун билан ҳимояланган мажбуриятлари йўқлиги сабаб, кредит маблағларини қайтармасдан талон-торож қилиб, оқибатда ашёвий кафилнинг мулкига қаратиш натижасида ашёвий кафилнинг зарар кўришига яъни жиноят аломатлари мавжуд бўлган ҳаракатларни кредит олувчи томонидан содир этилишига шароит яратади.

Шу сабабли, ашёвий кафил учинчи шахснинг кредит олувчи билан муносабатларини тартибга солувчи, жумладан, кредитни қайтармаслик хавфини ўз зиммасига олгани эвазига самара кўринишида ҳақ олиш, кредит олувчининг субсидиар жавобгарлигини таъминоти тартибини қонунда мустаҳкамлаш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. //www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 01.05.1998 йилдаги 614-І-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 04.10.2006 йилдаги ЎРҚ-58-сон
4. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров Реестри тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 23.10.2013 йилдаги ЎРҚ-356-сон



MAJBURIY MEHNATGA QARSHI KURASHISHGA OID QONUNCHILIK IJROSI USTIDAN PROKUROR NAZORATINI TASHKIL ETISHNING MILLIY VA XALQARO HUQUQIY ASOSLARI TAHLILI

Axmedov Abdulatif Mashrapovich,
O‘zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza
qilish akademiyasi tinglovchisi
Telefon: +99(90) 570 57 12
ahmedovabdulatif85@gmail.com

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada fuqarolarning huquq va erkinlarini ta’minlashda prokuratura organlarining majburiy mehnatga qarshi kurashishga oid qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazoratini amalga oshirishni ta’minlovchi huquqiy asoslar tizimli ravishda o‘rganilgan.

Shuningdek, Xalqaro mehnat tashkilotining Konvensiyalarini milliy qonunchilikdagi ahamiyati, majburiy mehnatga qarshi kurashish sohasidagi ayrim tashkiliy masalalar, statistik ma’lumotlar qayd etilgan.

Kalit so‘zlar: majburiy mehnat, majburiy mehnatga qarshi kurashishga oid qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazorati, huquqiy asoslar, qonunchilik hujjatlari, konvensiya.

ANALYSIS OF THE NATIONAL AND INTERNATIONAL LEGAL BASIS OF THE ORGANIZATION OF PROSECUTORIAL SUPERVISION OVER THE IMPLEMENTATION OF THE LEGISLATION ON THE FIGHT AGAINST FORCED LABOR

ABSTRACT

This article systematically examines the legal framework for ensuring the rights and freedoms of citizens, ensuring the implementation by the prosecutor's office of prosecutorial supervision over the implementation of legislation on combating forced labor.

The significance of the conventions of the International Labour Organization in national legislation, certain organizational issues in the field of combating forced labor, and statistical data were also mentioned.

Key words: forced labor, prosecutorial supervision over the implementation of legislation on combating forced labor, legal framework, legislative acts, convention.

So‘nggi yillarda mamlakatimizda Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyevning kuchli siyosiy irodasi tufayli inson qadrini ulug‘lash, uning manfaatlarini har tomonlama himoya qilish borasida amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlar asosida inson huquqlari va erkinliklarini ta’minlashning mutlaqo yangi tizimi yaratildi.

Ko‘rilgan chora-tadbirlar boshqa sohalardagi kabi, majburiy mehnatga qarshi kurashish yo‘nalishida yetarli normativ-huquqiy bazani shakllantirish imkonini berdi, bu jahon hamjamiyati, xususan, Xalqaro mehnat tashkiloti (keyingi o‘rinlarda – XMT), Jahon banki va Yevroparlament tomonidan yuqori baholandi.

Buning natijasida XMT O‘zbekistonda 2021 yilda paxta yig‘im-terimi mavsumi davomida tizimli majburiy mehnat va bolalar mehnatiga chek qo‘yilganligi to‘g‘risida yakuniy xulosasini hamda ushbu yo‘nalishdagi monitoring ishlarini to‘liq O‘zbekiston tomoniga topshirilganligini e’lon qildi [1].

Ilmiy ishlar tahliliga ko‘ra, majburiy mehnatga qarshi kurashishga oid qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazorati milliy olimlarimiz tomonidan alohida o‘rganilmagan. Shunday bo‘lsada, olimlar X.Mamatov, F.Raximov, O.Xanyukova, A.Mo‘minov va M.Tillabayevlarning dissertatsiya mavzusiga bog‘liq ilmiy ishlariga murojaat qilindi.

Tadqiqot ishini olib borishda ilmiy bilishning tizimli, mantiqiy (analiz, sintez) qiyosiy-huquqiy tahlil, statistik usullaridan foydalanildi.

Mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar samarasini yanada oshirish, davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, mamlakatni modernizatsiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish bo‘yicha qonunlarni aniq va bir xilda



bajarilishini ta'minlashda prokuror nazoratining ahamiyatini alohida qayd etish lozim.

Shuni alohida ta'kidlash joizki, O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi prokuror nazoratining bosh huquqiy asosi hisoblanadi. Konstitutsiya o'z yuridik kuchiga ko'ra, eng oliy huquqiy-normativ hujjat bo'lib, unda belgilangan qoidalar, prinsiplar mamlakat huquqiy bazasini tashkil etadi [2].

X.Mamatovning fikricha, Konstitutsiya, avvalo, yuridik mazmun va mohiyatga ega bo'lgan hujjatdir. U davlatning Asosiy qonuni sifatida butun huquqiy va qonunchilik tizimlarining o'zagini tashkil etadi, huquqiy tizim harakatlanishining ustuvor prinsiplarini belgilaydi. Shu sababli barcha qonunlar va boshqa normativ-huquqiy hujjatlar Konstitutsiyaga muvofiq chiqarilishi lozim bo'ladi [3].

Konstitutsiyamizda O'zbekiston Respublikasi hududida qonunlarning aniq va bir xilda bajarilishi ustidan nazoratni O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurori va unga bo'ysunuvchi prokurorlar amalga oshirishi, O'zbekiston Respublikasi prokuratura organlari o'z vakolatlarini har qanday davlat organlari, jamoat birlashmalari va mansabdor shaxslardan mustaqil holda, faqat qonunga bo'ysunib amalga oshirishi mustahkamlangan.

Shuningdek, har kimni munosib mehnat qilish, kasb va faoliyat turini erkin tanlash, xavfsizlik va gigiyena talablariga javob beradigan qulay mehnat sharoitlarida ishlash, mehnati uchun hech qanday kamsitishlarsiz hamda mehnatga haq to'lashning belgilangan eng kam miqdoridan kam bo'lmagan tarzda adolatli haq olish huquqlari hamda sud qarori bilan tayinlangan jazoni ijro etish tartibidan yoxud qonunda nazarda tutilgan boshqa hollardan tashqari majburiy mehnat taqiqlanishi Konstitutsiyada o'z ifodasini topgan [4].

Yuqoridagi normalarni asosiy qomusimizda mustahkamlanishi majburiy mehnatga qarshi kurashishga oid qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazoratini amalga oshirishda Konstitutsiyani asosiy huquqiy manba ekanligini ta'kidlaydi.

Shu munosabat bilan O'zbekiston Konstitutsiyasining nafaqat boshqa qonun hujjatlariga nisbatan mutlaq ustuvorlikka egaligini, balki, mamlakatimizning barcha huquq ijodkorligi va boshqa faoliyati uchun huquqiy asos sifatida muhimligini qayd etish lozim.

Shu o'rinda, O.Xanyukovanning “Ayrim qonunlar o'zida mazkur huquqiy hujjat doirasidan tashqaridagi munosabatlarda prokuror nazorati faoliyatini amalga oshirish uchun havolalarni nazarda tutadi. Bu esa, aynan shunday qonun bilan tartibga solinadigan munosabatlarning ahamiyati, asosiy xarakteri yoki muayyan huquqiy munosabatlar sohasining dolzarbligi bilan belgilanadi” [5] degan fikrlarini qayd etish lozim.

O.Xanyukovanning yuqoridagi fikrlariga qo'shilgan holda, majburiy mehnatga qarshi kurashishga oid qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazoratini amalga oshirishda prokuratura organlariga sohaga doir boshqa qonunchilik hujjatlari bilan O'zbekiston Respublikasining “Prokuratura to'g'risida”gi Qonunida nazarda tutilmagan boshqa vazifa va vakolatlar yuklatilganligini e'tirof etish o'rindir.

Respublikamizda majburiy mehnatni tugatishga, shuningdek, bolalar mehnatining eng yomon shakllarini taqiqlashga oid xalqaro standartlarni implementatsiya qilish, majburiy mehnatga qarshi kurash samaradorligini oshirish, fuqarolarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini kafolatli himoyalash hamda xalqaro maydonda davlatimiz imidjini oshirish masalasiga ustuvor vazifa sifatida qaralmoqda. Bunga O'zbekiston Respublikasi tomonidan XMTning majburiy mehnatni tugatish va bolalar mehnatining eng yomon shakllarini taqiqlashga oid xalqaro hujjatlarning ratifikatsiya qilinishini misol tariqasida keltirishimiz mumkin.

Jumladan, majburiy mehnatga qarshi kurashish, munosib mehnat sharoitlarini yaratish, bolalar mehnatining og'ir shakllari qo'llanilishiga yo'l qo'ymaslik borasida XMTning O'zbekiston Respublikasi tomonidan ratifikatsiya qilingan “Zo'rlab ishlatish yoki majburiy mehnat to'g'risidagi” 29-sonli, “Majburiy mehnatni tugatish to'g'risidagi” 105-sonli, “Mehnat va mashg'ulotlar sohasidagi kamsitishlar to'g'risidagi”, “Bolalar mehnatining og'ir shakllarini taqiqlash va yo'q qilishga doir shoshilinch choralar to'g'risidagi” 182-sonli Konvensiyalari hamda “Xalqaro mehnat tashkilotining 1930 yildagi majburiy mehnat to'g'risidagi 29-sonli Konvensiyasiga Bayonnoma”sini prokuror nazoratining huquqiy asoslari sifatida e'tirof etish lozim.

Shuni ta'kidlash lozimki, O'zbekiston Xalqaro mehnat tashkilotining 1930 yildagi majburiy mehnat to'g'risidagi 29-sonli Konvensiyasiga Bayonnomasini Markaziy Osiyoda ratifikatsiyaga qilgan ilk davlat bo'ldi.

Jenevada 2014 yil 11 iyunda qabul qilingan Bayonnomada XMT a'zolarining majburiy mehnatni qo'llashning oldini olish va unga barham berish bo'yicha ta'sirchan choralar ko'rish, uning



qurbonlari himoyalanişini, shu jumladan, huquqiy jihatdan himoyalanişini – zarar qoplanishi va huquqbuzarlarga nisbatan sanksiyalar qo‘llanishi ta‘minlashga doir majburiyatlar nazarda tutilgan.

Yanada aniqroq aytadigan bo‘lsak, davlatimiz Bayonnomani ratifikatsiya qilgandan keyin davlat va xususiy sektorning zo‘raki yoki majburiy mehnat xatarlarini bartaraf etishga va tegishli javob choralarini ko‘rishga yo‘naltirilgan faol sa‘y-harakatlarini qo‘llab-quvvatlash, zo‘raki yoki majburiy mehnat xatarini oshiruvchi asosiy sabablar va omillarni fosh etish choralarini ko‘rish kerak.

Olimlar A.Mo‘minov va M.Tillabayevlarning qayd etishicha, “Xalqaro mehnat tashkilotining konvensiyalari mehnat huquqini ta‘minlashga qaratilgan bo‘lib, mazkur hujjatlarga qo‘shilgan davlatlar insonning mehnat huquqlarini ta‘minlash bo‘yicha tegishli qonun hujjatlarni qabul qilish va amaliy chora-tadbirlar ko‘rish majburiyatini o‘z zimmasiga oladilar. Bu majburiyat esa, xalqaro hamjamiyat tomonidan shaxsning ijtimoiy-huquqiy himoyasiga qaratilgan minimal standartlar sifatida baholanadi”[6].

Konvensiya normalari majburiy mehnatning barcha ehtimoliy shakllariga, shu jumladan, qullik va u bilan bog‘liq amaliyot, qarzdorlik asorati va odam savdosi holatlariga, shuningdek, davlat va xususiy sektorning barcha ishchilariga nisbatan tadbir etiladi.

Xususan, O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksida agar O‘zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomasida xodimlar uchun O‘zbekiston Respublikasining mehnat to‘g‘risidagi qonunchiligiga yoki mehnat haqidagi boshqa huquqiy hujjatlarga nisbatan imtiyozliroq qoidalar belgilangan bo‘lsa, xalqaro shartnoma qoidalari qo‘llanilishi mustahkamlab qo‘yilgan.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi xalqaro shartnomalarining qoidalari mehnatga oid yakka tartibdagi munosabatlar va ular bilan bevosita bog‘liq bo‘lgan ijtimoiy munosabatlar O‘zbekiston Respublikasining mehnat to‘g‘risidagi qonunchiligida to‘g‘ridan-to‘g‘ri tartibga solinmagan hollarda ham qo‘llanilishi e‘tirof etilgan [7].

Mazkur normalar O‘zbekiston Respublikasi tomonidan ratifikatsiya qilingan XMTning majburiy mehnatga qarshi kurashishga oid konvensiyalari talablariga rioya qilinishini, ularning bajarilishini nazorat qilish, amaliyotda ushbu normalarni to‘g‘ri qo‘llash hamda amalga oshirishda prokuror nazorati muhim ekanligidan dalolat beradi.

Shu bilan birga, milliy qonunchiligimizda majburiy mehnatga qarshi kurashish sohasidagi O‘zbekiston Respublikasining Mehnat, Jinoyat, Ma‘muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodekslari, “Aholi bandligi to‘g‘risida”, “Bola huquqlarining kafolatlari to‘g‘risida”gi qonunlari majburiy mehnatga qarshi kurashishda prokuror nazoratining muhim huquqiy asoslari hisoblanadi.

Xususan, O‘zbekiston Respublikasining 2023 yil 1 maydagi Mehnat kodeksida majburiy mehnat tushunchasi, majburiy mehnatning taqiqlanishi, mehnat erkinligi, bolalar mehnatining og‘ir shakllari qo‘llanilishiga yo‘l qo‘yilmasligi, mehnat huquqlari buzilgan taqdirda sudga murojaat qilish huquqi kafolatlangan.

Ushbu kodeksning 534-moddasida mehnat to‘g‘risidagi qonunchilikka, mehnat haqidagi boshqa huquqiy hujjatlarga hamda mehnatni muhofaza qilish qoidalariga rioya etilishi ustidan davlat nazorati va tekshiruvini amalga oshiruvchi vakolatli davlat organlari sifatida Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi hamda prokuratura organlari qayd etilgan.

Ta‘kidlash lozimki, majburiy mehnatga qarshi kurashish va huquqbuzarliklarni, shuningdek, jinoyatchilikning oldini olishda sohada faoliyat yurituvchi maxsus vakolatli davlat idoralari muhim o‘rin tutadi.

Mazkur qonunchilikka rioya etilishi ustidan davlat nazorati va tekshiruvini amalga oshirishda O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligining Davlat mehnat inspeksiyasi maxsus vakolatga ega.

Hisobotlar shuni ko‘rsatadiki, Davlat mehnat inspeksiyasi tomonidan 2020-2022 yillarda majburiy mehnatga qarshi kurashishga oid qonunlar ijrosi yuzasidan o‘tkazilgan nazorat tadbirlari davomida 2 mingga yaqin fuqarolar majburiy mehnatga jalb qilinganligi aniqlanib, 200 dan ortiq huquqbuzarlar ma‘muriy javobgarlikka tortilgan [8].

Mazkur davrda prokuratura organlari tomonidan o‘tkazilgan tekshirishlar natijasiga ko‘ra, 12 nafar shaxslarga nisbatan ma‘muriy javobgarlik to‘g‘risida ish qo‘zg‘atish haqida qaror qabul qilingan. Shuningdek, 2700 dan ziyod mansabdor shaxslar majburiy mehnatga yo‘l qo‘ymaslik haqida rasman ogohlantirilgan.

Yuqorida qayd etilgan holatlardan kelib chiqqan holda aytish lozimki, majburiy mehnatga qarshi



kurashishga oid qonunchilik hujjatlari ustidan prokuror nazoratini tashkil etish, nazorat tadbirlari, tergovga qadar tekshiruv va dastlabki tergovni sifatli, to'la va har tomonlama o'tkazilishini ta'minlash muhim ahamiyat kasb etadi.

Shuningdek, “Bola huquqlarining kafolatlari to'g'risida”gi Qonunda har bir bola o'zining yoshi, sog'lig'ining holati va kasbiy tayyorgarligiga muvofiq qonunchilikda belgilangan tartibda mehnat qilish, faoliyat turini va kasbni erkin tanlash, adolatli mehnat sharoitlarida ishlash huquqiga egaligi mustahkamlangan.

Mazkur qonunning bola huquqlarini ta'minlashdagi ahamiyati yuqori bo'lib, bolaning boshqa huquqlari bilan bir qatorda adolatli mehnat sharoitlarida ishlash huquqi davlat tomonidan kafolatlanganligini ko'ramiz.

Bundan tashqari, majburiy mehnatga barham berish maqsadida, O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga ma'muriy javobgarlikni kuchaytiruvchi hamda jinoiy javobgarlikni belgilovchi normalar kiritildi.

Jumladan, majburiy mehnatga qarshi kurashishga oid qonunchilik hujjatlarini buzganlik uchun O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksi 51-moddasida qonunda nazarda tutilgan hollardan tashqari, mehnatga biron-bir shaklda ma'muriy tarzda majburlash uchun, shuningdek, ushbu moddaning ikkinchi qismida xuddi shunday huquqbuzarlik ta'lim tashkilotining pedagog xodimiga nisbatan sodir etilgan bo'lsa, huquqbuzarga nisbatan bazaviy hisoblash miqdorining yuz va bir yuz ellik baravarigacha miqdorda jarima solish nazarda tutilgan [9].

Shu bilan birga, O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi 148²-moddasida qonunda nazarda tutilgan hollardan tashqari mehnatga biron-bir shaklda ma'muriy tarzda majburlash, ma'muriy jazo qo'llanilganidan keyin sodir etilgan bo'lsa, shuningdek, mazkur qilmish voyaga yetmaganlarga nisbatan sodir etganlik uchun jinoiy javobgarlik belgilangan.

Ushbu moddaning 3-qismida ta'lim tashkilotining pedagog xodimiga nisbatan xuddi shunday qilmish uchun ma'muriy jazo qo'llanilganidan keyin sodir etilgan bo'lsa jinoiy javobgarlik nazarda tutilgan [10].

Bundan tashqari, majburiy mehnatga qarshi kurashishga oid qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazoratining huquqiy asoslari orasida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmon va qarorlari hamda Vazirlar Mahkamasining qarorlari kabi qonunosti hujjatlar ham muhim o'rin tutadi.

Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 30 iyuldagi “Odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi PF-5775-sonli Farmoni odam savdosi va majburiy mehnatga qarshi kurashish sohasida mamlakatimizni xalqaro maydondagi imidjini oshirishda davlat organlari faoliyatini muvofiqlashtirishning yangi tizimini yaratib berdi. Farmonga asosan Odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish milliy komissiyasi, Odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish borasida kichik komissiyalar tashkil qilindi va milliy ma'ruzachi instituti ta'sis etildi.

Shuningdek, Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi raisi, viloyatlar, Toshkent shahar, tumanlar (shaharlar) hokimlari zimmasiga odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish bo'yicha hududiy komissiyalarga (keyingi o'rinlarda — Hududiy komissiyalar) rahbarlik qilish vazifasi yuklatildi.

Odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish milliy komissiyasi, Odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish borasida kichik komissiyalar hamda hududiy komissiyalar tarkibiga tegishli Bosh prokuror, Bosh prokuror o'rinbosari va tegishli hudud prokurorlari kiritildi.

Shu bilan birga, Odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish sohasidagi milliy qonunchilik, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining qarorlari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari, qarorlari va farmoyishlari, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari va Milliy komissiyaning taqdimnomalarini so'zsiz, o'z vaqtida va sifatli bajarilishini ta'minlash hududiy komissiyalarning asosiy vazifasi etib belgilandi [11].

Fikrimizcha, Majburiy mehnatga qarshi kurashish masalalari bo'yicha Kichik komissiya va hududiy komissiyalar majburiy mehnatga qarshi kurashishga oid davlat dasturlarini ishlab chiqish hamda amalga oshirish, ularning ijrosini nazorat qilishda muvofiqlashtiruvchi vazifasini bajarish orqali ko'rilayotgan choralarni samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Bundan tashqari, qonunosti hujjatlar orasida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining



10.05.2018 yildagi “O‘zbekiston Respublikasida majburiy mehnatga barham berishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 349-sonli qarori alohida o‘rin tutadi.

Xususan, ushbu hujjat mamlakatimizda majburiy mehnatga qarshi kurashish bo‘yicha vazirlik va idoralar hamda prokuratura organlari zimmasiga aniq vazifalarni qo‘yish bilan birga fuqarolarni umumxalq hasharlarida ixtiyoriy ishtirok etish huquqini yanada mustahkamladi.

Mazkur qaror bilan Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi Raisi, viloyatlar, Toshkent shahri, shaharlar va tumanlar hokimlari, barcha darajalardagi davlat va xo‘jalik boshqaruvi organlari rahbarlari zimmasiga fuqarolarni, jumladan, ta‘lim, sog‘liqni saqlash muassasalari, boshqa budjet tashkilotlari xodimlarini, ta‘lim muassasalari o‘quvchilari va talabalarni majburiy mehnatga, shu jumladan, tuman va shaharlar hududlarini obodonlashtirish hamda ko‘kalamzorlashtirish ishlari, mavsumiy qishloq xo‘jaligi ishlari, metall chiqindilari va makulatura yig‘ish, shuningdek, boshqa turdagi mavsumiy ishlarga jalb qilish holatlarining zudlik bilan oldini olish va va bunga chek qo‘yish vazifasi yuklandi.

Umumxalq hasharini o‘tkazish to‘g‘risida faqat O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining tegishli hujjati yoki O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori mavjud bo‘lganda:

hasharlar unda ishtirok etadigan shaxslar mehnat qiladigan tegishli tashkilot hududida mehnatni muhofaza qilish va xavfsizlik normalariga qat‘iy rioya etilgan holda o‘tkazilishi;

hasharlar doirasida barcha boshqa turdagi jamoat ishlari, shu jumladan, qurilish-ta‘mirlash va qishloq xo‘jaligi ishlariga majburiy jalb etishga qat‘iy yo‘l qo‘yilmagan holda obodonlashtirish, ko‘kalamzorlashtirish, ish o‘rinlarini tartibga keltirish ishlari amalga oshirish belgilandi.

Shu bilan birga, avtomobil yo‘llari, harakatlanish tig‘iz bo‘lgan ko‘chalar, suv obyektlari, qirg‘oqbo‘yi hududlar va zonalar, qurilish maydonlari, bino va inshootlar tomlari, xavfli ishlab chiqarish obyektlari, shuningdek, insonlarning hayotiga yoki sog‘lig‘iga xavf tug‘ilishi yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan boshqa joylarda ixtiyoriy tashabbus bilan hasharlar va boshqa ishlarni o‘tkazish taqiqlandi.

Qarorda O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi hamda prokuratura organlariga fuqarolarning kafolatlangan mehnat huquqlarini ta‘minlash va O‘zbekiston Respublikasi hududida majburiy mehnatga yo‘l qo‘ymaslik sohasidagi qonun hujjatlariga rioya etilishi yuzasidan nazoratni kuchaytirish, bu boradagi tekshiruvlar samaradorligini oshirish va majburiy mehnat holatlari aniqlanganda esa aybdor shaxslarga nisbatan tegishli javobgarlik choralari qo‘llash qayd etildi [12].

Qaror ijrosini ta‘minlash, fuqarolarning huquq va erkinliklarini himoya qilish maqsadida majburiy mehnatga qarshi kurashga oid qonunlar ijrosi ustidan prokuror va idoraviy nazorat kuchaytirildi.

Xususan, 2019-2021 yillarda mehnat organlari tomonidan o‘tkazilgan monitoring va tekshirishlar natijasida 259-103-75 nafar mansabdor shaxslar majburiy mehnatga yo‘l qo‘yganligi sababli ma‘muriy javobgarlikka tortildi [13].

Shuningdek, ushbu davrda prokuratura organlari tomonidan 7-5-4 nafar shaxslarga nisbatan ma‘muriy javobgarlik to‘g‘risida ish qo‘zg‘atilib, chora ko‘rish uchun hududiy bandlik organlariga yuborildi. Shu bilan birga, 2690-2440-120 nafar mansabdor shaxslar majburiy mehnatga yo‘l qo‘ymaslik haqida rasman ogohlantirildi [14].

Ta‘kidlash lozimki, Bosh prokuror tashabbusi bilan Mehnat vazirligi bilan hamkorlikda bandlik va mehnat munosabatlari sohasida yo‘l qo‘yilgan qonun buzilishi holatlari tahlil qilinib, mehnat qonunchiligini buzganlik uchun ma‘muriy javobgarlikni kuchaytirish, mehnatga oid huquqlarni himoya qilish va qonuniylikni ta‘minlashga qaratilgan “O‘zbekiston Respublikasining Ma‘muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksiga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni loyihasi tayyorlanib, Oliy Majlis Qonunchilik palatasiga kiritildi.

Mazkur qonun loyihasi asosida O‘zbekiston Respublikasi Ma‘muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksining 51-moddasi (Mehnatga ma‘muriy tarzda majburlash) sanksiyasi kuchaytirilib, takroran sodir etganlik uchun javobgarlik nazarda tutildi [15].

Yuqorida ta‘kidlab o‘tilgan qonunchilik hujjatlari majburiy mehnatga qarshi kurashish, fuqarolarning huquq va erkinliklarini himoya qilish, ushbu sohada prokuror nazoratini tashkil etish va amalga oshirishda prokuratura organlari faoliyatining muhim huquqiy asosi hisoblanadi.

Majburiy mehnatni taqiqlovchi qat‘iy qonunchilikning mavjudligi uni oldini olishda muhim ahamiyat kasb etadi va ehtimoliy huquqbuzarliklarni sezilarli darajada kamaytirishga imkon beradi. Biroq, majburiy mehnatga yo‘l qo‘ygan shaxslarga nisbatan jazo muqarrarligining



ta'minlanmasligi bu boradagi qonunchilik hujjatlari samarasiz bo'lishiga olib keladi.

Xulosa o'rinda shuni aytish mumkinki, aholining huquqiy savodxonlik darajasini oshirish, ish bilan ta'minlash imkoniyatlarini ko'paytirish, majburiy mehnatga qarshi kurashishga oid qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazoratini to'g'ri va sifatli tashkil etish, huquqiy asoslarni tizimli tahlil qilish asosida milliy mexanizmlarni takomillashtirish, majburiy mehnatga qarshi kurashishdagi muhim omillardan hisoblanadi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. XMTning Uchinchi Tomon Loyihasi Monitoringi tomonidan tayyorlangan hisoboti. 29.01.2021 y.
https://www.ilo.org/washington/news/WCMS_767753/lang--en/index.htm.
2. Raximov F. “Asosiy qonunimiz – inson huquqlarining kafolatlari // “O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasining Oliy o‘quv kurslari Axborotnomasi”, 2012, №4 (32). – B. 46.
3. Konstitutsiyaviy huquq: Darslik / X.T.Mamatov.; Mas’ul muharrir A.X.Saidov. – Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, 2018. – B. 52.
4. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023 y., 03/23/837/0241-son.
5. Xanyukova O.Yu. Pravovoye regulirovaniye osushestvleniya nadzora za ispolneniyem zakonov organami mestnogo samoupravleniya // «Otechestvennaya yurisprudensiya», 2016, №8 (10). – S. 69.
6. Inson huquqlari. Darslik / A.R. Mo‘minov, M.A. Tillabayev; mas’ul muharrir A.X. Saidov. – 2-nashr. – T.: Adolat. 2013. – B.203.
7. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 12.04.2023 y., 03/23/829/0208-son.
8. Huquqni muhofaza qilish akademiyasining 07.06.2023 yildagi xatiga asosan Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan taqdim etilgan hisobotlar.
9. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 03/23/842/0276-son.
10. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 03/23/841/0270-son.
11. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 17.03.2021 y., 06/21/6188/0216-son.
12. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 31.12.2018 y., 09/18/1066/2428-son.
13. O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligining hisobotlari.
14. O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasining hisobotlari.
15. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 29.08.2019 y., 03/19/558/3662-son.



ШАРТЛИ ҲУКМ: АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ТАКЛИФ

Латипов Зафар Хасанович,
Судьялар олий мактаби тингловчиси
E-mail: zafarlatipov1986@gmail.com

Аннотация: Одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати судлар томонидан жиноят учун жазонинг тўғри тайинланиши ҳисобланади. Адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга — маҳкумни ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бизнингча, шартли ҳукм қилишни жиноят қонунининг бошқа институтлари билан мувофиқлаштирган ҳолда, шартли равишда тайинланадиган жазолар рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ саналади. Шартли ҳукм қилиш рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, суд ҳукми билан тайинланган жиноий жазони қўлламасдан туриб, маҳкумни тарбиялашнинг қонуний асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар: жавобгарликнинг муқаррарлик принципи, қўшиш мумкин бўлмаган ва алоҳида ижро этиладиган жазолар, шартли ҳукм.

Бугунги кунда жамиятни сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий модернизация қилиш, маънавий жиҳатдан тиклаш ва юксалтириш, мавжуд қонунларни, давлат боқшаруви, иқтисодий тизимни қайта кўриб чиқиш, бу борада таъсирчан ва самарали механизмларни яратиш, демократик тамойил ва меёрларни ҳаётга татбий этиш бўйича мисли кўрилмаган кенг қўламли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Маълумки, мамлакатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида, “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил келгусида асосий мезон сифатида танланди.

Мазкур тамойилга биноан, амалга ошириладиган ислохотларда мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев “Одил судлов, инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқлари олий қадрият сифатида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларимизнинг асосий мақсади ва маъно-мазмунни бўлиб қолади. Шу мақсадда ушбу соҳани такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, юртдошларимиз учун одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга қаратилган демократик ўзгаришларни изчил давом эттирамиз”[1] дея, таъкидлайди.

Қайдэтиш лозимки, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати судлар томонидан жиноят учун жазонинг тўғри тайинланиши ҳисобланади. Адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга — маҳкумни ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англатмайди[2].

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев “Инсонни фақат жазолаш билан, фақат репрессив усуллар билан тарбиялаб бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган. Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, авваламбор, жиноий ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омиларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак”[1] деб эътироф этганлари ҳам бежиз эмас.

Шу муносабат билан амалдаги Жиноят қонунчилигига жиноий жазоларни либераллаштириш борасида ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 2015 йил 10 августда “Озодликни чеклаш”, 2017 йил 29 мартда эса “Мажбурий жамоат ишлари” тарзидаги янги турдаги жазолар билан тўлдириш орқали, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар рўйхати кенгайтирилди.

Амалга оширилган ижтимоий муносабатларни либераллаштириш ва



инсонпарварлаштириш борасидаги сиёсатнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида, келгусида ўз аҳамиятини йўқотган 10 га яқин қилмишларни жиноят тоифасидан чиқариш ва жазони енгиллаштирадиган ҳолатлар сонини амалдаги 9 тадан 15 тагача кўпайтириш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги белгилаб олинди.

Зотан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясига мувофиқ, рағбатлантирувчи нормаларни, жумладан жазони енгиллаштириш ёки шахсни жиноий жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш орқали жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш лозимлиги белгиланган.

Миллий жиноят қонунчилигимизда шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилишнинг турларидан бири сифатида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасига биноан, “Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради”.

М.Усмоналиевнинг қайд этишича “Шартли ҳукм қилиш жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан жиноят қонуни нормалари асосида суд томонидан қўлланадиган, шахсга нисбатан суд томонидан белгиланган шартларни тўла бажарган тақдирда жазодан озод қилишдан иборат бўлган ҳукм қилишдир”[4].

Шартли ҳукм қилиш масаласи олимлар ва илмий изланувчилар томонидан бир неча маротаба ўрганилиб, тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг интерактив хизматлари порталида[3] эълон қилинган айнан шартли ҳукм қилиш билан боғлиқ суд қарорларини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги масалани ҳам қайд этиб ўтиш лозим бўлади.

Хусусан, шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этишда айбли деб топилиб, унга нисбатан қўшиш мумкин бўлмаган ва алоҳида ижро этиладиган жазолар тайинланганда шартли ҳукм қўллаш масаласини қандай тартибда ҳал қилиш лозим?

Маълумки, суд айблов ҳукми чиқаришда муайян масалаларни ҳал қилиши лозим бўлиб, ушбу масалалардан бири судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши кераклиги, агар жазо тайинлаш лозим бўлса қандай жазо тайинланиши лозимлиги ва у шу жазони ўташи кераклиги ёки керак эмаслиги ҳақидаги масала ҳисобланади.

Агарда, жиноят содир этишда айбли деб топилган шахснинг қилмишлари Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддалари ёки битта моддасининг турли қисмлари билан жиноятлар жами тарикасида квалификация қилинган ва жиноятлар учун ҳар хил турдаги асосий жазолар назарда тутилган бўлса, бундай жиноятлар учун жазоларни қўшишнинг қоидалари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасида назарда тутилган жазо тизимидаги жазоларни бир неча жиноятлар учун тайинлаш усулига қараб икки гуруҳга бўлиш мумкин, булар:

- 1) бир-бири билан қўшиш мумкин бўлган жазолар;
- 2) қўшиш мумкин бўлмаган ва алоҳида ижро этиладиган жазолар.

Қўшиш мумкин бўлмаган ва алоҳида ижро этиладиган асосий жазоларга жарима ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазолар киради ва улар бошқа турдаги жазоларга қўшилмай, алоҳида-алоҳида тайинланади[4].

Албатта бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш қоидаларига мувофиқ жазо тайинланган шахсга нисбатан шартли ҳукм қўллаш масаласи, унга нисбатан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлаш пайтида қабул қилинади.

Бироқ амалдаги Жиноят қонунчилигида шартли ҳукм қўллаш мумкин бўлган жазолар доираси чекланган бўлиб, фақатгина озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари билан боғлиқ жазо турларига қўлланилиши мумкин.



Бир неча жиноят содир этишда айбли деб топилиб, қўшиш мумкин бўлмаган ва алоҳида ижро этиладиган жазолар тайинланганда қандай йўл тутилиши лозим?

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 31-бандида, агар суд бир ёки бир неча жиноят содир этган шахсга нисбатан шартли ҳукм қўллаш лозимлиги ҳақида ҳулосага келса, бундай қарор ҳар бир жиноят учун алоҳида эмас, балки жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлаш пайтида қабул қилиниши, шартли ҳукм фақат ЖК 72-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган бир ёки бир неча жазо тури тайинланган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкинлиги, агар тайинланган жазо туридан бири қонуннинг ушбу нормасида кўрсатилмаган бўлса, суд ЖК 72-моддаси биринчи қисмида қайд этилган жиноятларга нисбатан шартли ҳукм қўллаб, бошқа турдаги жазони (масалан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, жарима) реал ижро этиш тўғрисида қарор қилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Суд амалиётида ҳам ушбу масала худди шундай тартибда ҳал этиб келинмоқда.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2022 йил 5 июлдаги ҳукмига кўра, М.А. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 25,168-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилган.

М.А.га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси

3-қисмининг “а” банди билан озодликдан маҳрум қилиш, Жиноят кодекси 25,168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан жарима жазоси тайинланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59, 61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни тўлиқ қўшиш йўли билан узил-кесил жарима ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланиб, М.А.га нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳисобланиб, синов муддати белгиланган. Хўш, унда қандай муаммо мавжуд?

Бизнингча, бир неча жиноят содир этишда айбли деб топилиб, қўшиш мумкин бўлмаган ва алоҳида ижро этиладиган жазога ҳукм қилинган маҳкумнинг бир жазосига жазодан озод қилиниши қўлланилиши, бошқа тури эса жазога қаратилиши мантиқий жиҳатдан, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам номувофиқ масала ҳисобланади.

Чунки, маҳкумга нисбатан суд ҳукми билан жиноятлар мажмуи бўйича хох у бир-бири билан қўшиш мумкин бўлган, хох қўшиш мумкин бўлмаган ва алоҳида ижро этиладиган жазолар тайинланганда ҳам, алал оқибат ушбу жазо маҳкумга нисбатан тайинланган битта жазо ҳисобланади. Бундай жазо, мураккаб турдаги жазо ҳисобланиб, алоҳида-алоҳида ижро этилиши мумкин.

Фикримизча бундай жазога ҳукм қилинган маҳкумнинг жазонинг бир туридан озод қилиш, бошқасини ижрога қаратиш процессуал қонунчиликнинг суд ҳукмини чиқариш жараёнида шахс тайинланган жазони ўташи кераклиги ёки керак эмаслиги ҳақидаги масалани ҳал этиши лозимлиги талабга ҳам мувофиқ келмайди. Бундан ташқари, бундай мураккаб турдаги жазога ҳукм қилинган шахсни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасида кўрсатилган жазога ҳукм қилинган шахс сифатида эътироф этиб бўлмайди.

Муҳокама қилинаётган масала, келгусида бошқа муаммони ҳам юзага келишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасига биноан, агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг ҳуққи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Суд томонидан қўшиш мумкин бўлмаган ва алоҳида ижро этиладиган жазоларга (жарима ва озодликдан маҳрум қилиш ёки бошқа) ҳукм қилиниб, бир жазоси ижрога қаратилиб, жазонинг бири шартли ҳисобланган тақдирда, шу жумладан юқорида кўрсатилган М.А.га нисбатан ҳукмнинг ижросини таъминлаш чоғида, маҳкум жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа, жариманинг тўланмаган миқдорини бошқа турдаги жазога алмаштириш зарурати туғилади.

Бундай ҳолатда, шартли ҳукмни бекор қилиш учун қонунда белгиланган асослар вужудга



келмаса-да, маҳкумга нисбатан тайинланган бошқа турдаги жазонинг шартлилигини бекор қилиш зарурати туғилади.

Хўш, шахсни жиноий жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш юзасидан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида масалани қандай тартибда ҳал этиш мақсадга мувофиқ?

Юқорида муҳокама қилинган ҳолатлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, шартли ҳукм қўллаш асосларини кенгайтириш лозим.

Бизнингча, шартли ҳукм қилишни жиноят қонунининг бошқа институтлари билан мувофиқлаштирган ҳолда, шартли равишда тайинладиган жазолар рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ саналади.

Шартли ҳукм қилиш рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, суд ҳукми билан тайинланган жиноий жазони қўлламасдан туриб, маҳкумни тарбиялашнинг қонуний асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Иқтибослар:

1. Янги Ўзбекистон стратегияси [Матн]/ Ш.М. Мирзиёев. Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2021. – 464 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори

3. <https://my.sud.uz/>, <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>.

4. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик.—Т.: Янги аср авлоди,. 2005.—662 б.



БАЪЗИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТРАНСПОРТ ВА ТУРИЗМ ОБЪЕКТЛАРИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Курбанов Маъруфжон Мамадаминovich,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: marufjonkurbanov77@gmail.com

Аннотация: Мақолада муаллиф томонидан баъзи хорижий давлатларда транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлашнинг айрим масалалари ёритилган. Шунингдек, “Туризм” ва “хавфсизлик” тушунчалари бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ. Бошқа томондан, туризм ишончли хавфсизлик тизимисиз мавжуд бўла олмайди. Шунингдек, “Тинчлик ва туризм” деб номланган Сеул декларациясида “туристларнинг хавфсизлиги ва ҳимояси Халқаро туристик ташкилотига аъзо ҳар бир мамлакат учун асосий вазифалардан бири бўлиши керак.

Калит сўзлар: туризм, транспорт тузилмалари, туризм объектлари, жамоат хавфсизлиги, тунги суд.

Дунёда дастлабки йўл транспорт ходисаси 1896 йил 17 августда Лондонда содир бўлганлиги кўпчиликка сир эмас. Ушбу ходисада Артур Эдселл бошқарувида бўлган автомобил, 45 ёшли Бриджет Дрисколлни уриб юборади ва унинг натижасида жабранувчи воқеа жойида ҳалок бўлади. Лекин, суд ушбу ходиса ҳолат эканлигига ишора қилган ҳолда айбланувчини жавобгарликка тортмайди. Тарихда автоуловда тезликни оширган илк ҳайдовчи эса британиялик Уолтер Арнолддир. У 1896 йилнинг 28 январида ўз автоуловида тезлик меъри 3 км/соат белгиланган жойда 12 км/соат тезлик билан ҳаракатланади. Энг қизиғи ўша давр полиция ходими қоида бузарни велосипедда қувиб етади ва уни қўлга олади.[1] Айтиш мумкинки, шу даврдан бошлаб ҳозирги кунгача транспорт объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

“Хавфсизлик” тушунчасининг илмий адабиётларда турли таърифлари келтирилган. Жумладан, В.И.Даль хавфсизлиги “хавфдан холи бўлиш, хавфсизлик, ишончилилик”, деган маъноларни англатса, Изоҳли луғатларда “хавфсизлик” термини “тахдид ва хавфдан холи бўлиш” деган маъноларга эгаллиги кўрсатилган.

Хавфсизлик терминининг шу каби маъноларида туризм соҳасига нисбатан қўлланилганда ҳам кўпроқ маъно англатишини кўриб чиқамиз. Халқаро ва ички ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш натижасида, ушбу ҳужжатларда туризм тушунчаси “дам олиш, иш юзасидан ва бошқа мақсадларда, бир йилдан узоқ бўлмаган маълум вақт оралиғида ўзининг яшаш ҳудудидан ташқари жойларда бўлиши ва саёҳат қилувчи шахс фаолияти”[2] кўринишда энг кенг тарқалган тушунча эканлиги маълум бўлди.

Туризм шу каби кўринишда Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонунида ҳам “туризм – жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатадаги (жойидаги) манбаалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)” белгиланган[3].

“Туризм” ва “хавфсизлик” тушунчалари бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ. Бошқа томондан, туризм ишончли хавфсизлик тизимисиз мавжуд бўла олмайди. Шунингдек, “Тинчлик ва туризм” деб номланган Сеул декларациясида “туристларнинг хавфсизлиги ва ҳимояси Халқаро туристик ташкилотига аъзо ҳар бир мамлакат учун асосий вазифалардан бири бўлиши керак[4].

Мазкур соҳада тадқиқот олиб борган Б.М.Турдиалиевнинг қайд этишича, халқаро ҳужжатларга мувофиқ туристлар ҳамда туризм соҳасида ишловчи ходимларга нисбатан содир этилган ҳар қандай жиноятлар, таҳдидлар, одам ўғирлаш ва террористик актлар, булардан ташқари, туристик ва тарихий-маданий меросларнинг вайрон қилинишига бўлган ҳаракатлар ҳар бир мамлакатнинг қонунчилиги доирасида жавобгарликка тортилиши керак[5].

Туристлик объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, айрим хорижий давлатларда маъмурий судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни соддалаштирилган тартибда юритишни жорий этиш борасида айрим хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганида, қуйидагилар аниқланди. АҚШ, жумладан, Нью Йоркда суд сутканинг тунги вақтида кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўради. Нью-Йоркдаги сутканинг тунги вақтида фаолият кўрсатадиган суд “Қонун ва тартиб” (Law and Regulation) ҳамда “Тунги суд” (Night court) телекўрсатувлари орқали намойиш этилади. Шунингдек, мазкур суд туристларда катта



тассурот қолдириб, улар оқими ортишига хизмат қилади. Бундан ташқари, сутканинг тунги вақтида фаолият кўрсатадиган судда омма учун машхур бўлган шахслар томонидан содир этилган кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўрилади. Тунги судларда иш фаолияти соат 17.00 дан кейинги сутканинг 01.00 га қадар давом этади. Судда иш кўришда иштирок туристлар билан биргаликда ҳуқуқшунослар ва юридик факультетда таҳсил олувчи талабалар ҳам иштирок этишади. Худди шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар юзасидан суд ҳафтада 4 марта бўлиб ўтади. Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ ишларни кўришдан олдин тарафлар (жабрланувчи, ҳуқуқбузар) йўл-транспорт ҳодисаларига оид анкета сўровномасини ўз вакиллари билан тўлдириб беради. Тунги судда ишга оид барча даъволар битта суд муҳокамасида кўриб чиқилади.

Қозоғистон Республикасининг Астана шаҳрида ихтисослаштирилган туманлараро маъмурий судларда иш юритишнинг “Тунги суд” тест режимида йўлга қўйилган. Лойиҳа ишга туширилган биринчи кунданок транспорт воситасилари иштирокида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ 13 та материал кўриб чиқилган. Лойиҳа доирасида йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ материаллар соат 18.30 дан 22.00 га қадар давом этади. ЙТХ иштирокчилари ишни тунги судда кўришга ўз розиликларини билдирганида ваколатли орган ходими маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ҳуқуқбузар(лар) нинг ўз айбига иқдорлиги тўғрисидаги суд санаси ва вақти кўрсатилган талон бириктирилади. Бунда кўрсатилган муддат йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган вақтдан уч суткадан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Сингапурда тунги судлар Концепцияси 1992 йилнинг апрель ойида ишлаб чиқилган бўлиб, у давлат судлари томонидан йўл-ҳаракати фоидалари бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ҳажмини камайтириш мақсадини кўзлаган эди. Бундай судлар иш билан банд аҳолининг судда иштирок этишига қулайлик яратиш мақсадида фаолият кўрсатади. Тунги судларда иш вақти ҳафтанинг Душанба кунидан Пайшанба кунига қадар соат 18:00 дан бошланади. Сингапурда ҳар бир штатда бундай судлардан иккитаси фаолият юритади.

Сингапурда “Тунги суд”ни жорий этиш билан боғлиқ ислохотларни такомиллаштириш мақсадида иш стандартларини яхшилаиб, самарали иш юритиш процедураси ташкил этилган. Масалан, Бош судья Олий суд юритувидаги ишларни кўриб чиқиш учун қуйи турувчи судларга ўтказган ва бундан қуйи инстанциядаги судлар фаолиятини ҳамда судьялар малакасини ошириш назарда тутилган. 1994 йилдан бошлаб судда низоларни ҳал этишда иш материалларининг тури ва оғирлик даражасига қараб тақсимлаш методи вақт ва ресурсдан самарали фойдаланишга хизмат қилган. Бунинг натижаси сифатида ихтисослаштирилган “Тунги суд”ларни мисол қилиш мумкин.

Ҳиндистонда дастлабки кечки судлар 2006 йил 14 ноябрдан бошлаб Аҳмадобод ва Ражкотда давлат судларидаги иш ҳажмини қисқартириш мақсадида фаолият юрита бошлаган. Аҳмадободдаги кечки суд Ҳиндистон Бош судьяси Й.К.Сабҳарвал томонидан очилган. Бугунги кунда мавжуд 27 та кечки судларнинг 22 таси Аҳмадободда, қолганлари эса Ражкотда фаолият олиб боради. Ҳиндистондаги кечки судларнинг иш фаолияти 18:15 дан 20:15 гача давом этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бундай судларнинг ташкил этилиши судлардаги ишлар ҳажмини камайтириш, ортикча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кўриб чиқилмаган ишлар сонини қисқартириш, аҳоли сонига нисбатан судлар сонини ошириш мақсадида новатор методларни қўллаш ҳамда транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлашни енгиллаштириш билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Margie Peden, Richard Scurfield. «World report on road traffic injury prevention». World Health Organization, Geneva. 2004. – 244p.
2. БМТ Статистика комиссияси низоми. – Нью Йорк, 1993 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонуни. 1-боб. 3-модда
4. 2001 йил 27 сентябр куни Халқаро туризм ташкилоти томонидан қабул қилинган “Тинчлик ва туризм” Сеул декларацияси
5. Б.М.Турдиалиев. Туризмда хавфсизликни таъминлашга оид атамаларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги хусусиятлари // Science and Education Scientific Journal. November 2020 / Volume 1 Issue 8. –Б.515.



МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА КЎРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ ВА ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ АСОСЛАРИ.

Хужаназаров Акмалжон Рахимович,
Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси
Телефон: +99890 989-62-94
хужаназаровакмалжон@gmail.com

Аннотация.

Ушбу мақолада Маъмурий низозларнинг маъмурий судларада кўриб чиқиш тартиби ҳақида, хусусан туманлараро маъмурий судлар саналган биринчи инстанция судларида ишларни кўриб чиқишнинг ўзига хус жихатлари 5 та категорияга бўлинган ҳолда таҳлил қилинган. Қонунчиликда амалга оширилган бир қатор ўзгаришлар, жумладан ЎРҚ 826-сон, ЎРҚ 833-сон қонунларда назарда тутилган ўзгаришлар баён этилган, таҳлил қилинган. Ундан ташқари, маъмурий судларда ишни юритишда иш юритишни тўхтатиб туриш асослари таҳлил қилинган. Сататистик маълумотлар ёрдамида мавзу чуқор ўрганилган. Хулосаланган.

Калит сўзлар: тааллуқлилиқ, экстерриториал тартиб, иш юритишни тўхтатиб туриш

Олимларнинг қарашларига кўра, маъмурий юстициянинг икки шакли мавжуд саналади. Улар қуйидагилар:

1. Маъмурий тартиб;
2. Суд тартиби.

2017-йил 1-июндан Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлардан алоҳида бўлган ма'мурий судларнинг жорий этилиши, шунингдек, Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба иккита янги қонун, яъни 2018-йил 8-январда Ўзбекистон Республикасининг “Ма'мурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг, 2018-йил 25-январда эса Ма'мурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг (МСИЮТК) қабул қилиниши билан Ўзбекистонда ма'мурий ҳуқуқ ривожининг мутлақ янги, муҳим босқичи, даври бошлаб берган бўлса, **2023-йил 26-апрелда 833-сонли** қонуннинг қабул қилиниши натижасида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга юқорида саналган ўзгаришларнинг киритилиши Ўзбекистонда Маъмурий судлар фаолиятини яна бир поғонага кўтарди дейишимиз мумкин.

Статистик маълумотарга қараганда жорий йилнинг 3-июн ҳолатига кўра Маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилган ишларнинг жами сони

87 705 тани ташкил этади. Биринчи инстантсияда **70 187** та, Апеллясия инстантсиясида **12 953** та, Кассасия инстантсияси **3 905** та, Такрорий кассасияда эса **660** та иш кўрилган. Бу шуни кўрсатадики, маъмурий ҳуқуқий низолар йилдан йилга сон жихатдан ошиб бормоқда. Шунингдек статистик маълумотлар ҳам шуни кўрсатмоқдаки, маъмурий судларда низоларни кўриш динамикаси ошиб бормоқда.

Маъмурий судлар томонидан оммавий низоларнинг кўриб чиқилиши динамикаси

№	Ҳудудлар	2019 й.			2020 й.			2021 й.			2022 й.			2023 й. 3 ойи		
		Жами кўрилган оммавий низолар	қанот-лангит-рилган	%	Жами кўрилган оммавий низолар	қанот-лангит-рилган	%	Жами кўрилган оммавий низолар	қанот-лангит-рилган	%	Жами кўрилган оммавий низолар	қанот-лангит-рилган	%	Жами кўрилган оммавий низолар	қанот-лангит-рилган	%
1	Андижон вилояти	608	306	50%	456	223	49%	672	307	46%	671	265	39%	183	86	47%
2	Бухоро вилояти	586	370	63%	545	329	60%	828	427	52%	876	467	53%	211	112	53%
3	Ўзбекистон вилояти	437	236	54%	555	376	68%	512	259	51%	590	305	52%	152	79	52%
4	Қашқадарь вилояти	1 952	1569	80%	1 297	956	74%	1 393	803	58%	1 271	637	50%	313	174	56%
5	Қорақўлқонистон Р.	901	634	70%	731	529	72%	779	428	55%	756	438	58%	179	117	65%
6	Навоий вилояти	671	589	88%	671	579	86%	931	788	85%	1 050	828	79%	236	192	81%
7	Наманган вилояти	1 319	1056	80%	1 141	832	73%	1 027	615	60%	988	497	50%	247	104	42%
8	Самарқанд вилояти	1 295	679	52%	1 075	507	47%	1 148	360	31%	1 209	508	42%	261	112	43%
9	Сирдарё вилояти	210	76	36%	206	74	36%	334	135	40%	570	296	52%	112	40	36%
10	Сурхондарё вилояти	1 567	1280	82%	935	594	64%	762	336	44%	593	171	29%	123	56	46%
11	Тошкент вилояти	1 440	864	60%	1 220	700	57%	1 619	866	53%	2 020	884	44%	410	161	39%
12	Тошкент шаҳар	1 824	1019	56%	1 594	988	62%	2 249	1 273	57%	2 705	1 437	53%	733	401	55%
13	Фарғона вилояти	1 571	982	63%	1 555	1005	65%	1 256	552	44%	951	344	36%	232	67	29%
14	Хоразм вилояти	1 874	1482	79%	3 085	2438	79%	1 633	727	45%	1 094	381	35%	287	106	37%
	ЖАМИ	16 255	11 142	69%	15 066	10 130	67%	15 143	7 876	52%	15 344	7 458	49%	3 679	1 807	49%



Кўриниб турибдики, 2023-йилнинг 3 оyi давомида 3 679 та иш кўрилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Олий Суд томонидан тушунтириш берилишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018-йил 13-июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида” 2018-йил 27-июлдаги РС-44-18-сонли қарорининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳай’ати томонидан 2022-йилнинг учинчи чорагида кассасия тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланган бўлиб, унда қуйидаги маълумотлар ўрин олган:

- 2022-йил учинчи чорагида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳай’атида кассасия шикоятлари (протестлари) асосида **377** та иш кўрилган бўлиб, шундан

- 312 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 2 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган, **59** таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 4 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

- Шунингдек, ишни кассасия тартибида такроран кўриш тўғрисидаги протестлар асосида 12 та иш кўриб чиқилган.

- Таҳлил натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан аксарият ҳолларда ишлар тўғри ҳал этилган бўлса-да, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилишига йўл қўйганлик ҳолатлари ҳам мавжуд.

Демак кўриниб, турибдики, биринчи инстанция судларида иш юритиш ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда айнан маъмурий-ҳуқуқий низоларни айнан биринчи инстанция судларида кўриб чиқишнинг энг муҳим жиҳатларини таҳлил қиламиз. Аввало, Маъмурий судларда ишларни биринчи инстанция сифатида кўриш тартиб-таомиллари, протессуал тартиблари белгилаб қўйилган ҳуқуқий асосларни келтириб ўтадиган бўлсак, булар қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси;

- Ўзбекистон Республикасининг 2023-йилнинг 26-апрел санасида қабул қилинган “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги 833-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида” ги қарори;

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида” ги Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Маъмурий ишлар бўйича суд ҳаражатларини ундириш амалиёти ҳақида” ди Қарори

- Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан протессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари.

Маъмурий ишларни биринчи инстанция судларида кўришнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари.

Ўзбекистонда маъмурий судларда биринчи инстанция тарзда иш қўзғатиш учун асослар биринчи навбатда Ўзбекистонда Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида” ги Кодекснинг 127-моддасида кўрсатилган бўлиб, иш қўзғатиш асослари кўрсатиб ўтилган бўлиб, маъмурий судларда иш қўзғатиш учун **ариза** асос бўлади. Бу ариза эса маъмурий судларга 3 хил тоифадаги шахслар томонидан тақдим этилиши мумкин. Булар: манфаатдор шахслар, прокурор ва давлат органлари ҳамда бошқа ваколатли субъектлар. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бошқа ваколатли субъектлар дейилганда давлат органлари сирасига кирмайдиган ҳамда прокуратура органлари сирасига ҳам кирмайдиган, бироқ маъмурий ҳуқуқий фаолият билан шуғилланувчи органларни келтиришимиз мумкин. Хоссатан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида” ги Қонунининг 10-моддаси

1-қисм, 2-бандига кўра: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни



амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб берилган аризалар бўйича маъмурий судларга мурожаат қилганларида давлат божини тўлашдан озод этилганлар. Демак, бундан чиқди, мазкур органлар маъмурий судга мурожаат қилишлари мумкин бўлар экан.

Маъмурий судга тааллуқли иш(низо) бўлиши керак. Бу қандай изоҳланади ёки аниқланади? МСИЮТК нинг 26 ҳамда 27-моддаларида қандай низолар маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши ҳақида нормалар акс этган. Хусусан, 26-моддада, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқли эканлиги, шунингдек, қонун билан маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкинлиги белгиланган. Шу булан бирга, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий суд ўзига тааллуқли ишларни фуқаролар, юридик шахслар ва маъмурий органлар, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради. МСИЮТК нинг 27-моддасида ифодаланган

8 тоифадаги низоларга алоқадор бўлган ишлар маъмурий судлар томонидан тааллуқли ишлар деб қабул қилинади. Улар қуйидагилар: идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлash устидан шикоят қилиш тўғрисидаги; инвестиция низолари бўйича; рақобат тўғрисидаги ҳамда маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ундириш сўзсиз тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳисоланади. Шунини айтиш керакки, агар маъмурий судга тақдим этилган ариза маъмурий судга тааллуқли бўлмаган низо бўладиган бўлса, судья ариза келиб тушгандан бошлаб 5 кунлик муддат ичида бунини аниқласа, МСИЮТК нинг 133-моддасига кўра **аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш** ҳақида ажрим чиқаради. Агар ариза иш юритишга қабул қилинганидан кейин тааллуқли эмаслиги аниқланса (бунда бир нарсани инобата олиш керакки, эндиликда, жумладан 2023-йилнинг 26-апрелда қабул қилинган 833-сон ЎРҚ га кўра эндиликда маъмурий судга қабул қилинган низо фақатгина маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, иш юритиш тугатилмайди. МСИЮТК нинг 108-мооддаси биринчи қисм биринчи банди билан иш юритишни тугатиш учун маъмурий судга қабул қилиб олинган иш учала судга ҳам тааллуқли бўлмаслиги керак. Бунда учта суд сирасига маъмурий судлар, фуқаролик судлари ҳамда иқтисодий судлар киритилади), МСИЮТК нинг 108-моддасига кўра **иш юритишни тугатиш** ҳақида ажрим чиқариши керак саналади.

Судга тақдим этилган ариза МСИЮТК нинг 128-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб бериши керак. Яъни, Ариза (шикоят) судга ёзма шаклда берилиши ва аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланиши шарт. Аризада эса қуйидагилар кўрсатилиши керак: ариза (шикоят) берилаётган суднинг номи; ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган эри (почта манзили) ёки яшаш жойи; арз қилинган талабларга асос бўлган ҳолатлар (агар улар мавжуд бўлса); арз қилинган талабларнинг асосларини тасдиқловчи далиллар; аризачининг қонунчиликка асослаб келтирган талаблари, талаб бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда



эса уларнинг ҳар бирига нисбатан талаблар; илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати. Шунингдек, шахслар томонидан тақдим этилаётган аризада (шикоятда) аризачининг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Бу улар билан эсонроқ алоқа боғлаш имконини беради. Аризада (шикоятда), агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар, шунингдек аризачидаги мавжуд бўлган илтимосномалар кўрсатилади. Аризачи ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талабни, агар улар маъмурий судга тааллуқли бўлса, битта аризага (шикоятга) бирлаштиришга ҳақли. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ариза тақдим этилётганда, унга муайян иловалар ҳам берилиши керак. Бу эса МСИЮТК нинг 130-моддасида берилган. Унга кўра, белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини; белгиланган тартибда ва миқдорда почта харажатлари тўланганлигини; аризанинг (шикоятнинг) ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга ҳамда учинчи шахсларга юборилганлигини; арз қилинган талабларга асос бўлган ҳолатларни ва аризани (шикоятни) имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириш керак. Акс ҳолда азирани қайтатиш учун асос бўлади. Таъкидлаш жоизки, давлат божининг миқдори ҳамда иш тоифаларига кўра ажратилиши “Давлат божи тўғрисида”ги қонунда белгилаб қўйилган. Шу ўринда, маъмурий судларга тақдим этиладиган шикоят аризасидан бир амалий мисол келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ишни кўрувчи судлар ҳамда судьялар таркиби. МСИЮТК нинг

28-моддасига кўра, қоида тариқасида, маъмурий судларга тааллуқли ишлар биринчи инстанция судлари сифатида Туманлараро маъмурий судларда кўриб чиқилади. Шунингдек, Инвестиция низолари бўйича йирик инвесторнинг, ракобат тўғрисидаги ишлар бўйича томонларнинг хоҳишига кўра ушбу тоифадаги ишлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан, қолган инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқилади. Алоҳида белгилаш жоизки, МСИЮТК нинг 30-моддасига кўра “Идоравий-норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисида”ги ишлар ҳамда “Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан низолашиш тўғрисида”ги ишла биринчи инстанция суди сифатида тўғридан тўғри Олий Судда кўриб чиқилади. Судда ишлар якка ва ҳайъат таркибида кўрилиши белгиланган. Бу эса МСИЮТК нинг 17-18 моддаларида ўз аксини топган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, МСИЮТК нинг 18-моддасига кўра, судга келиб тушган иш тааллуқлилиқ босқичидан ўтиб, ишни кўриш учун тайинланаётган пайтда муайян ишни кўриш учун суд таркиби судьяларнинг иш ҳажми ва ихтисослашуви ҳисобга олинган ҳолда, суд таркибини шакллантиришга суд муҳокамаси натижасидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсир кўрсатиши истисно этиладиган тартибда, автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади. Бунда, ишни кўришга тайинланаётган, суд таркиби шакллантирилаётган вақтда мазкур ишни ҳар томонлама ҳолислик асосида, қонун ҳужжатларини тўғри қўллаган ҳолда ҳал этадиган шу ихтисослик бўйича муайян тажрибага эга бўлган судьяга (судьялар таркибига) иш топширилади. Яна эътиборг молик жиҳати шундан иборатки, ишни кўриш бир судья ёки суд таркиби томонидан бошландими, шу иш айнана айнан шу судья ёки суд таркиби томонидан кўриб чиқилиши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Чунки, иш материаллари, ишнинг ҳақиқий ҳолати, тарафларнинг кўрсатмалари билан у ҳаммадан кўра яхшироқ таниш бўлади. Бироқ бу қоида судья ёки судьялардан бири Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 21-25 моддаларида белгиланган тартибда ўзини ўзи рад қилган ёки судьяни рад қилиш ҳақида ариза берилган ва бу қаноатлантирилган тақдирда ёхуд судья йўқлиги сабабли ишни кўриш имкони бўлмаган тақдирда алмаштирилиши мумкинлигини истисно этмайди. Бундай ҳолларда гарчи ишни кўриш бошқа судья ёки судьялар ҳаёти томонидан бошланган бўлишига қарамасдан ишни кўриш бошқа судья ёки судьялар таркиби томонидан қабул қилиб олиниб, мазмунан кўриш якунига етказилади. Судья ёки судьялар ҳайъати таркиби ўзгарганидан кейин, яъни судья алмаштирилганидан сўнг ишни кўриш бошидан бошланади.

Ишни кўришда иштирок этувчи(раислик қилувчи) судьяларнинг якка ҳамда ҳайъатда ишларни кўриб чиқишлари белгиланганлидан келиб чиқиб шуни айтиш жоиз бўладики, қоида тариқасида ишлар биринчи иснтансия сифатида туманлараро маъмурий судларда, ўрта бўғин судларида кўриладиганда бир рафар, Олий Судда кўриладиганида эса ҳайъат



таркибида 3 нафар судядан иборат таркибда ишни кўриши белгиланган. Буни озгина юқорида норма мазмунини таҳлил қилганда ҳам кўриб чиқдик. Яна бир жиҳатни ёддан чиқармаслик керак, судяни ёки хайъат таркибини алмаштириш билан боғлиқ барча хатти-ҳаракатлар ажрим чиқарган ҳолда амалга оширилади.

Муддатлар билан боғлиқ хусусиятлар. Судга мурожаат қилиш муддатлари 3 та турга ажратилади:

- 6 ойлик муддат(МСИЙтК нинг 23-бобига кўра маъмурий орган томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ёки улар мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларда);

- 10 кунлик муддат(давлат ижрочисининг қарорлари билан боғлиқ низоларда, қарорни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризалар учун;

- Дархол(сайловга оид низолар учун мурожаат қилишда)

Шунингдек, ишни маъмурий судларда кўриб чиқиш учун ажратилган муддатларни ҳам алоҳида эътиборга олиш зарур. Қоида тариқасида маъмурий судларда низолар бир ойлик муддатда, агар алоҳида ўрганиш талаб этиладиган бўлса, яна шунча муддатга узайтирилган ҳолда кўриб чиқиши керак. Ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича МСИЮтК нинг 7-моддасида ҳамда 154-158 моддаларида назарда тутилган асослар ва тартибда ҳал қилув қарори қабул қилинади. Шунингдек, ишни мазмунан кўриб, ҳал этмайдиган масалалар юзасидан суд ажрими қабул қилинади. Шуниси аҳамиятлики, Маъмурий суд ишларини юртиш тўғрисидаги кодекснинг 155-моддасида белгиланишича, ҳал қилув қарорини қабул қилиш жараёни ишнинг якуни бўйича сўнгги нуқтани кўювчи асос саналади. Шунинг учун ҳам суднинг ҳал қилув қарори алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қабул қилинади. Мазкур нуқтанинг аҳамияти шундаки, судялар мустақил ҳолда ҳал қилув қарорини қабул қилар эканлар, сўнгги онда ички ишончдан фойдаланган ҳолда ишга якуний нуқтани қўядилар. Агар иш хайъатда кўриладиган бўлса, бундай ишлар қоида тариқасида, Олий Судда ишлар биринчи бора кўриб чиқиладиган бўлса, шунингдек, апеллатсия ва кассатсия инстанцияда кўриб чиқилётган бўлса, ҳал қилув қарори судялар маслаҳати сирини сақлаш таъминладиган шароитларда, суд мажлисида иштирок этаётган судялар томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Кодексда ёзилишича, суд ҳал қилув қарорини қабул қилаётган маслаҳатхонада фақат ишни кўриб чиқаётган суд таркибига кирадиган судялар бўлиши мумкин, ишда иштирок этмаган, ишни кўришда қатнашмаган судянинг ҳал қилув қарорини қабул қилиш жараёнида ҳозир бўлиши мумкин эмаслиги қатъиян белгиланган. Ундан ташқари, судя(судялар)томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинаётган пайтда ҳал қилув қарорини қабул қилиш хонасига бошқа шахсларнинг кириши, шунингдек суд таркибига кирмайдиган шахслар билан мулоқотда бўлишнинг бошқа усуллари тақиқланади. Бу суднинг фаолиятини, судяларнинг мустақиллига даҳл қилувчи хатти-ҳаракат деб баҳоланади ҳамда жавобгарликка сабаб бўлади. Судялар ҳал қилув қарорини қабул қилиш чоғидаги муҳокама мазмуни тўғрисидаги, суд таркибига кирган айрим судяларнинг нуқтаи назари ҳақидаги маълумотларни бирор-бир шахсга хабар қилишга, судялар маслаҳати сирини бошқа усулда ошкор қилишга ҳақли эмас.

Ҳал қилув қарор устидан шикоят қилиш ҳамда уни ижрога қаратиш. Шуниси эътиборга молики, ҳал қилув қарори устидан шикоят қилувчилар тоифаси 2 турга бўлинади. Була манфаатдор шахслар: тарафлар, учунчи шахслар, гувоҳлар, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ва бошқалар биринчи томондан бўлса, иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси тизимида қирувчи Прокуратура органларининг прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳисобланади. МСИЙтК нинг 165-моддада айнан белгиланишича, ҳал қилув қарори, агар унинг устидан апеллатсия тартибида шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, у қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ўтгач, қонуний кучга киради, яъни суднинг қайсидир манфаатдор шахси апеллатсия шикояти билан судга мурожаат қилган бўлса, бу ҳал қилув қарорини кучга киришини истисно этувчи ҳолар саналади. Юқорида айтилганидек ҳал қилув қарори устидан икки хил тоидадаги сунектлар шикоят қилишлари мумкин. Манфаатдор шахслар апеллатсия шикояти билан, прокурорлар эса апеллатсия протести билан мурожаат қилишлари мумкин бўлади. Апеллатсия шикояти (протести) берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апеллатсия инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.



Иш юритишни тўхтатиб туриш асослари.

Маъмурий судларда ариза иш юритувга қабул қилинганидан бошлаб, маъмурий суд иш юритиш протсесси бошланиб, иккала томон: суд ва иштирокчиларда ҳам муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтиради. Мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ҳолатларнинг энг муҳимларидан бири бу, **иш юритишни тўхтатиб туриш** саналади. Маъмурий судларнинг асосий мақсадларидан келиб чиқиб, келгусида таҳлил қилинадиган жиҳат ушбу мақсад ва вазифаларни таъминлаб берадиган асосий институтлардан бири саналади.

Қайд этилганидек, маъмурий судга қабул қилинган аризалар бўйича иш юритиш бошланиб, юзага келган сабаблар туфайли суд иш юритувини давом эттиришнинг имкони бўлмаслиги оқибатида суд иш юритишни тўхтатиб туришга тўғри келади. Шунингдек, шундай ҳолатлар юзага келадики, биринчи ҳолатда судда шу ишнинг қонуний ҳал этилиши учун керакли бўлган ҳамда ҳал этишга тўсқинлик қиладиган асослар мавжуд бўлади, бундай вазиятда суд иш юритишни тўхтатишга **мажбур бўлади**; иккинчи ҳолатда эса юзага келган ҳолатнинг мазмунидан шу ҳолатни бартараф этмасдан ҳам иш юритишни қонуний ва адолатли ҳал этишнинг имконияти сақланиб қолган бўлади. Суд эса бундай ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга **ҳақли бўлади**.

Юқоридаги мулоҳазадан маъмурий судлар томонидан иш юритишни тўхтатиб туриш икки турдаги ҳолатларда амалга оширилиши ҳақидаги хулосани келиш мумкин бўлади:

1. Иш юритишни тўхтатиб туриш шарт;
2. Иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи.

Аввало, иш юритиш тўхтатиб турилиши шарт бўлган асослар ҳақида сўз кетса, бу ҳолатлар МСИЙтК нинг 99-моддасида санаб ўтилганлигини қайд этиш зарур. Улар қуйидагилар:

- мазкур ишни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, фуқаролик ишлари бўйича суд, жиноят ишлари бўйича суд, маъмурий суд ёки иқтисодий суд томонидан кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан, шунингдек тергов ҳаракатлари олиб борилаётган иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунига қадар кўриш мумкин бўлмаганда;

- ишда иштирок этувчи шахс бўлган фуқаро вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса;

- ишда иштирок этувчи шахс бўлган фуқаро муомала лаёқатини йўқотганда иш юритиш тўхтатиб турилиши зарур.

МСИЙтК нинг 100-моддасида қайд этилишича, суд қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли:

- суд томонидан экспертиза тайинланганда;
- ишда иштирок этувчи шахс бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда;
- аризачи бўлган фуқаро давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда.

Маъмурий низо бўйича судга мурожаат қилган шахсларнинг (жисмоний ҳамда юридик) протсессиал ҳуқуқларини таъминлашга ҳамда юзага келиши мумкин бўлган қонун бузилиши ҳолатларини имкон қадар олдини олишга қаратилган. Дейлик, ишда иштирок этувчи шахс бўлган фуқаро муомала лаёқатини йўқотганда, иш юритиш тўхтатиб турилиши шарт бўлиб, ушбу шахснинг вакили иш юритишга киришгунига қадар ҳеч қандай протсессиал ҳаракатлар амалга оширилмаслиги ҳам шартдир. Бу эса маъмурий судда шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали таъминлаш усулидандир.

Хулоса.

Хулоса қиладиган бўлсак, маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишда маъмурий юстициянинг муҳим турлари саналган маъмурий тартиб ҳамда суд тартиби муҳим аҳамият касб этади. Маъмурий юстициянинг суд тартибининг бутун моҳиятини очиб беришда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий судлар асосий майдонга чиқади. Маъмурий судлар 2017-йилда бошлаган ўз фаолиятлари давомида муайян қонун ҳужжатларига кўра бир қатор ўзгартириш ҳамда тузатишларга юз тутган бўлсада, ҳозирги кунга келиб анча такомиллашди дея оламиз. Шунингдек, маъмурий судлар соҳасида амалга оширилган ҳар бир ўзгариш ҳамда янгилик фақат ва фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга, ҳимоя қилишга ҳамда бузилган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган. Бу ўринда биринчи инстанция судлари сифатида Қуйи судларнинг ҳам ўрни бекиёсдир.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Муқаддима. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023-й., 03/23/837/0241-сон// <https://lex.uz/docs/-6445145> Ш.Мирзиёев
 2. Административе жустисе ас а фиелд оф студй. Marc Hertogh (ed.), Richard Kirkham (ed.), Robert Thomas (ed.), Joe Tomlinson (ed.). Online ISBN:9780190903091, Print ISBN: 9780190903084. Oxford University Press. 2021.
 3. Маъмурий ҳуқуқ ва протсесс. С.Муратаев, Б.Мусаев ва Д.Артиков.
 4. Ҳожиёв Э.Т. Administrative law. Textbook for professional colleGES, Science, 2010. P. 204
 5. Нематов, Н. (2020). WOULD THE NEW ADMINISTRATIVE COURT SYSTEM BE MILESTONE TO CHANGE POST-SOVIET ADMINISTRATIVE LAW IN UZBEKISTAN?. Review of law sciences, (4), 16-20. doi: 10.24412/2181-1148-2020-4-16-20
- Муаллифнинг қарашлари.
1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 21-февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4966-сон фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2017 й., 06/17/5195/0033-сон).
 2. Ўзбекистон Республикасининг 2018-йил 8-январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги ЎРҚ–457-сон қонуни. (Кучга кириш санаси 10.01.2019. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018-й., 03/18/457/0525-сон).
 3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги ЎРҚ–462-сон қонуни (Кучга кириш санаси 01.04.2018. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018-й., 03/18/462/0626-сон).
 4. <https://public.sud.uz/report>
 5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2020-й., 03/20/600/0023-сон <https://lex.uz/docs/-4680944>



ИҚТИСОДИЙ СУДДА БИТИМНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Б.Абдурахимов

Тошкент туманлараро иқтисодий
судининг судьяси

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида тизимли ислоҳатлар амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур ислоҳатлар натижасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини тубдан оширишга эришилмоқда.

Республикаимизда иқтисодий муносабатлар ривожланганлиги сари тадбиркорлик субъектлари ўртасида турли низолар ҳам табиий равишда ошиб бормоқда.

Ўз навбатида, тадбиркорлар мазкур низоларни ҳал қилиш учун судларга, хусусан иқтисодий судга мурожаат этмоқда.

Мазкур низоларнинг бир тури сифатида битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низоларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (матнда Кодекс деб юритилади) 25-26-моддалари талабларига мувофиқ иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар ўртасида битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низоларни иқтисодий судлар ҳал этиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 28.11.2014 йилдаги “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонунчилиги нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 269-сон қарорининг

3-бандига кўра судлар битимни ҳақиқий эмас деб топиш тушунчасини шартномани бекор қилишдан фарқлашлари лозимлиги қайд этилиб, битимнинг ҳақиқий эмаслигининг шартномани бекор қилишдан фарқи қуйидагилардан иборатлиги кўрсатилган:

Биринчидан, битимларни ҳақиқий эмас деб топишга ФКнинг

115 — 126 моддаларида назарда тутилган асослар бўйича йўл қўйилади, шартномани бекор қилиш асослари эса ФКнинг 382-383-моддаларида назарда тутилган;

Иккинчидан, битимнинг ҳақиқий эмаслигига унинг ғайриқонунийлиги, бекор қилинишига эса шартномани бекор қилишга олиб келадиган ҳолатларнинг юзага келиши асос бўлади, бунда унинг қонунийлиги низолашилмайди;

Учинчидан, ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир, шартномани бекор қилиш эса, у амалда бўлган вақтдаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга таъсир этмасдан, фақатгина келгусидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга дахл қилади;

Тўртинчидан, шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабни билдиришга шартнома амал қилишининг муддати мобайнида йўл қўйилади, битим эса унинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин ҳам ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида талаб номулкий талаб ҳисобланиши боис ушбу тоифадаги даъво аризаларини иқтисодий судга беришда “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига илова Давлат божи ставкаларининг миқдорларига кўра базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида давлат божи тўланиши керак. Агар даъвогар кичик тадбиркорлик субъекти бўлган тақдирда, ушбу сумманинг ярмини тўлайди.

Эндилик, битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги айрим низоларни иқтисодий судларда ҳал этиш амалиётини кўриб чиқсак.

Лизинг олувчи “А” жамият лизинг берувчи “Б” жамиятга нисбатан лизинг шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилган. Даъво аризасида даъвогар лизинг шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун лизинг шартномаси ваколати бўлмаган уни имзолашга ваколати бўлмаган М. исмли фуқаро томонидан имзоланганлиги, жамият раҳбари томонидан унга шартномани имзолашга ваколат берилмаганлиги, у жамиятда раҳбар лавозимида ишламаганлиги, бу ҳолат тергов органининг қарори билан



тасдиқланганлиги, унга кўра фуқаро М.га нисбатан Жиноят кодексининг 228-моддаси билан жиноят иши қўзғатилганлигини асос қилиб келтирган.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра лизинг шартномаси лизинг олувчи жамиятнинг ваколатли шахси томонидан имзоланмаган бўлсада, ушбу шартнома тузилган санадан бошлаб томонидан

1 496 741 471,02 сўм лизинг тўловлари лизинг берувчига тўлаб келинганлиги, бу ҳолатда даъвогар манфаатдор шахсининг битимни кейинчалик маъқуллаганлигини тасдиқлаганлиги боис даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Бундан ташқари, сотиб олувчи - “Б” жамият сотувчи - “С” жамиятга нисбатан капитал қурилишга инвестиция киритиш шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Даъвогар даъво аризасига асос қилиб, шартнома предмети кўчмас мулк бўлганлиги, бу ҳолатда ушбу шартнома давлат рўйхатидан ўтказилмаганлигини важ қилиб келтирган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

29.12.2018 йилдаги 1060-сон қарорининг “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 35-бандига кўра қурилиши тугалланган ва фойдаланишга белгиланган тартибда қабул қилинган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилиши белгиланган. Бироқ, ушбу ҳолатда низоли объект бўйича қурилиш ишлари тугалланмаган ва фойдаланишга қабул қилинмаганини аниқланган.

Шу боис даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

ФКнинг 539-моддасига кўра кўчмас мулк ижараси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг

2011 йил 1 декабрдаги 234-сон “Мулк ижараси шартномасига оид фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 4-бандига кўра судларнинг эътибори ФК 539-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ кўчмас мулк ижараси шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурий эканлигига қаратилиши, бир йилдан кам муддатга тузилган бино ва иншоотларнинг ижара шартномалари бу қоидадан истисно ҳисобланиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Ушбу ҳолат бўйича суд амалиётини кўриб чиксак. Даъвогар “А” корхона “Б” корхонага нисбатан нотузар жой ижара шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ишни кўриш давомида ушбу ижара шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга тузилган бўлсада, давлат рўйхатидан ўтказилмаганлигини аниқланиб, даъвогарнинг даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Хулоса сифатида, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низоларни ҳал қилинишида қонунчилик ҳужжатларини тўғри қўлланилиши ҳамда ишнинг барча ҳолатларини тўлиқ ўрганиш корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси
2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси
3. “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 28.11.2014 йилдаги “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонунчилиги нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 269-сон қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг
6. 2011 йил 1 декабрдаги 234-сон “Мулк ижараси шартномасига оид фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарори

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 1-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2023

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000